

ЎЙИН- МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯДА БОЛАЛАРНИ ЭРТА ЁШДАН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Абдусаматова Наргиза Жамолидиновна

Наманган давлат университети (PhD), катта ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7423943>

Аннотация. Мақолада болаларни эрта ёшдан ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари, ўйин фаолити билаш шуғуллантириш мактабгача таълим ва тарбияда болаларни эрта ёшдан ривожлантиришнинг муҳим воситаси эканлиги хусусида сўз юритилади.

Калим сўзлар: мактабгача ёш, ўйин, эрта ривожланиш, тарбиячи, ота-оналар, компетенция.

ИГРА КАК ВАЖНОЕ СРЕДСТВО РАЗВИТИЯ ДЕТЕЙ С РАННЕГО ВОЗРАСТА В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ И ОБРАЗОВАНИИ

Аннотация. В статье говорится о целях и задачах развития детей с раннего возраста, зная, что игровая деятельность является важным средством развития детей с раннего возраста в дошкольном обучении и воспитании.

Ключевые слова: дошкольный возраст, игра, раннее развитие, воспитатель, родители, компетентность.

GAME AS AN IMPORTANT MEANS OF DEVELOPMENT OF CHILDREN FROM AN EARLY AGE IN PRESCHOOL EDUCATION AND EDUCATION

Abstract. The article talks about the goals and objectives of the development of children from an early age, knowing that play activity is an important means of developing children from an early age in preschool education and upbringing.

Keywords: preschool age, play, early development, educator, parents, competence.

“Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да “Мактабгача ёшдаги болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш учун шароитлар яратиш” устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Устувор йўналишда мактабгача таълимда ривожлантирувчи муҳитнинг инновацион технологиялари ва модулларини ишлаб чиқиш, боланинг келгусида ўзини муваффақиятли намоён қилиши учун асос сифатида ижтимоий-эмоционал кўникмаларни ривожлантириш мақсадида олиб борилиши зарур бўлган таълим-тарбия жараёни болаларни эрта ёшдан ривожлантиришга интегратив ёндашиш энг мақбул йўллардан бири бўлиши мумкинлигига асос бўлади.

Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартида мактабгача таълим ташкилотларини турли ўйинлар, ўйинчоқлар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник, реабилитацион воситалар билан жиҳозланиши болаларни эрта ёшдан ривожланишига хизмат қилувчи муҳитнинг юзага келишига замин яратади.

Мактабгача таълим ва тарбияда болаларни эрта ёшдан ривожлантиришда ўйинларнинг аҳамияти каттадир. Ўйин болага қувонч бағишлайди, ижобий ҳис ва кечинмаларни, ҳаётдан олган таассуротларини акс эттиради. Ўйин мазмуни бола шахсининг шаклланишига, атроф-оламни англашига, муҳим ҳаётий компетенцияларни ўзлаштиришида муҳим муҳим восита вазифасини бажаради. Ўйиндан болалардаги ўзаро

ўртоқлик, дўстлик, бир-бирига ёрдам кўрсатиш хислатларини тарбиялашда ва болалар ҳаётини ташкил этиш шакли сифатида фойдаланилади.

Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларида муҳим компетенциялардан бири сифатида ўйин компетенциясининг белгиланиши ҳам бугунги кунда ўйин орқали болаларни эрта ёшдан ривожлантириш муаммосининг долзарблигини белгилайди.

Ўйин компетенцияси — боланинг ўйин жараёни ва уни ташкил қилишда тажриба, билим ва кўникмалардан ижодий фойдаланиши бўлиб, ўйин фаолияти мактабгача ёшдаги болаларни ўқув-тарбиявий фаолияти учун асос ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда болаларни эрта ёшдан ривожлантириш масаласида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 24 май куни Тошкент шаҳрида илк маротаба “Болаларнинг барвақт ривожланишида инновацион ёндашувлар” номли ўзбек-хитой форуми бўлиб ўтди. Бундан кўзланган асосий мақсад Ўзбекистонда болаларнинг эрта ривожланишига қўмаклашувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўлиб, шу мавзу доирасида илк қадамлар белгиланди. Ушбу форум мактабгача бўлган таълим соҳасини ва албатта, ўзбек тадбиркорларининг ишбилармонлигини янада ривожлантиришга қаратилган улкан имконият бўла олади, десак муболаға бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида боланинг ижобий ижтимоийлашуви имкониятларини намоён қилиш, унинг ҳар томонлама ривожланиши, мактабгача ёшга оид тегишли фаолият турлари асосида ташаббускорлиги ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш имкониятларини очиш мақсадида замонавий инновацион педагогик технологияларни, таълим ва тарбиянинг самарали шакллари ҳамда усуллари таълим-тарбия жараёнига жорий этиш очиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Шундай технологиялардан бири сифатида ўйин технологияларини кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўйин технологиялари (ўйин таълими) – ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда ҳиссий-баҳолавчи фаолият жараёнини ҳосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан биридир[70].

Ўйин технологияларнинг мақсадли йўналтирилганлиги **дидактик мақсадлар**: мактабгача ёшдаги болаларда дунёқарашни кенгайтириш, уларда билим, кўникма ва малакаларини амалиётда қўллаш фоллигини юзга келтириш, амалий фаолият учун зарур бўлган алоҳида кўникма ва малакаларни шакллантириш, меҳнат кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Тарбияловчи мақсадлар: мактабгача ёшдаги болаларда мустақилликни, эркинликни тарбиялаш, муайян ёндашувларни, мавқеларни, ахлоқий, эстетик ва дунёқарашга оид установкаларни шакллантириш; ҳамкорликни, жамоатчиликни, коммуникативликни, муомалалиликни тарбиялашни ўз ичига олади.

Ривожлантирувчи мақсадлар: мактабгача ёшдаги болаларда диққатни, хотирани, нутқни, тафаккурни, таққослаш, солиштириш кўникмасини, ўхшашини топишни, мулоҳазалашни, ижодий қобилиятларни, рефлексияни, эмпатияни, мақбул ечим топиш кўникмасини ривожлантириш; ўқув фаолияти мотивациясини ўстиришга қаратилади.

Ижтимоийлаштирувчи мақсадлар: мактабгача ёшдаги болаларда жамият меъёрлари ва кадриятларига аралашув; муҳит шароитларига кўникиш; кучли эҳтиросли назорат, ўз-ўзини ростлаш; мулоқотга ўргатиш вазифаларини амалга оширади.

Мактабгача таълим тарбияда болаларни эрта ёшдан ривожлантиришда ўйин технологияларининг моҳияти унинг турлари бўйича муайян вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

2-3 ёшли болалар билан ўйинлар ота-оналар ёки тарбиячилардан қандайдир алоҳида билим ёки куч талаб этмайди, материал вазифасини исталган уйдаги мавжуд нарсалар, одатда ҳар бир болага сотиб олинadиган оддий ўйинчоқлар бажара олади. Бу ёшдаги болалар учун махсус ривожлантирувчи ўйинчоқлар кўп эмас, кубиклар, мозаикалар, ҳисоб таёқчалари, магнитли алифбо, қирқма расмлар. Уларнинг кўпчилиги кўпфункционал бўлиб, бир йўла бир неча психик функциялар ривожига кўмаклашади.

3-4 ёшли болалар учун ўйин ва машғулотларни танлаш қизиқарлилик, соддалик, ташкил этиш қулайлиги тамойили асосига қурилади.

4-5 ёшли болалар диққатнинг кўпроқ барқарорлиги, хотираси жадал ривожланиши, луғат бойлиги фаол ўсиши, нутқи, фаолиятни режалаш ва ташкил этиш функциясини эгаллаши билан ажралиб туради. Бу ёшда тафаккур жадал ривожланади: ташқи белгиларига кўра умумлаштириш билан бир қаторда болалар буюмларни сифати, вазифаси, улар билан ишлаш усулига кўра бирлаштира бошлайди. Улар ўзига таниш вазиятларда сабаб оқибат алоқаларини ўрнатишга қодир. Боланинг жисмоний ривожланиши, қўлнинг нозик моторикаси, ривожланиши интенсив равишда кечади. Бу ёшда бола қалам, бўёқ, пластилин, қайчи билан яхши ишлай олади. Бу предметлар билан ҳаракатлари анча озода, анча аниқ бўла боради.

5-6 ёшда боланинг билимлар ҳажми фаол кенгайди, шу боис унинг ақлий фаолияти, характери ҳам ўзгаради, у тушуниш, фаол таҳлил ва синтезга асосланади. Кўргазмали – образли тафаккур ривожланиши билан бир қаторда мантикий тафаккур ҳам шакллана бошлайди. Тафаккур ривожланиши билан таҳлил тобора деталлашиб, синтез янада умумлашган ва аниқ бўла боради. Бола энди атрофдаги предмет ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни, у ёки бу ҳодиса сабабларини тушуна олади.

6-7 ёш сюжетли ва ролли ўйин юзага келадиган ва ривожланadиган давр. Бу босқичда янада мураккаб, жамоали турли психик функциялар ва шахсий сифатлар ривожланиши, тенгдошлари билан мулоқот ва ҳамкорлик малакаларини эгаллаш, ихтиёрийлик ривожланишига кўмаклашувчи ўйинларни ташкил этиш имконияти туғилади.

Қуйида келтирилган ўйинлар болаларни эрта ёшдан ривожлантиришга мўлжалланган бўлиб, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари ва ота-оналар томонидан болаларнинг билиш жараёнларини, атроф-олам билан таништириш, намунага қараб ишлаш каби билим ва малакаларини ривожлантиришда фойдаланилади.

“Ўйчалар ўйини”

Бу ўйин болаларнинг диққатини ривожлантиради (предметларнинг аниқ кетма - кетликда йиғилиши).


Кичкинтой олдида фломастер ёки қаламлар тўпламини кўядилар ва расм чизишини сўрайдилар. Расм чизиб бўлганидан кейин бола ҳар қайси фломастер ёки қаламларни ўз “уйча” (қалам ёки фломастерлар учун мўлжалланган қутичалардаги ўйиқчаларга)сига

жойлаштиради. Мутахассис ёки ота – оналар ҳамма фламастерлар тартиб билан қопқоқлари, қаламлар эса учи чиқарилган томони билан тепага қараган ҳолда жойлаштирилганлигини кузатиб борадилар.


“Шундай предметни топ” ўйини

Ўйин жараёнида бола предметларни бир – бири билан таққослашни, ундаги муҳим белгиларни ажратиш, ўхшаш предметларнинг жуфтини топиш ёки тақдим этилганлардан бирини танлашни ўрганади.

а) бола олдида расм қўйилади ва иккита бир-бирига ўхшаш бўлган предметни топиш вазифаси берилади.



б) иккинчи расмда эса шакллар чизилган бўлиб, уларнинг ичидан биринчи қаторда берилган шаклнинг айна нусхасини топиш вазифаси берилади.



“Ажойиб ҳалтача” (сеҳрли ҳалтача)

а) Бу ўйин давомида тарбиячи ёки ота – она кичкинтойга предметларни катта – кичиклигига қараб гуруҳлашни ўргатади. “Сеҳрли ҳалтача”га турли предметлар солинади, улар катта ва кичик кубиклар, тугмалар, қалам, шарлар пирамида, халқалар, қалитлар ва ҳок. Тарбиячи болага ҳалтачага қўлини солиб қандайдир предметни олишни айтади. Бунда боланинг ҳаракатларини изоҳлаб туради: “Сен нимани топдинг? Қоптокними, у қандай? Каттами ёки кичикми? Қоптокни нима қилиш мумкин? (тепага, пастга ирғитиш)” Бу ўйинни 2-3 ёшли болалар билан ўйнаш мумкин.

б) Бу ўйин болани предметнинг узунлиги, йўғонлиги ва кенглиги бўйича ажратишга ўргатади. Халтачадаги предметларни тери-тактил сезгиси яъни пайпаслаш орқали қандай шаклда (катта ва кичкина калитлар, катта ва кичик шарлар, катта ва кичик коптоклар)эканлигини топиши керак. Бу ўйин 3-4 ёшли болалар учун мўлжалланган.

“Йиғма ўйинчоқлар” ўйини

Бу ўйин учун бир неча қисмлардан иборат йиғма ўйинчоқлар керак бўлади: пластмасса машиналар, кўғирчоқлар. Бундай ўйинчоқларнинг тузилиши болани турли қисмлардан бутун бир предметни тасаввур қилишга ўргатади.

Психолог ёки тарбиячи болага ўйинчоқни йиғилган ҳолда кўрсатади, сўнгра эса бу ўйинчоқни қисмларга ажратиб ва қисмларни йиғиб кўрсатади. Кейин болага ўйинчоқни мустақил равишда қисмларга ажратишни ва йиғиб беришни таклиф этади. Ўйин қизиқарли ўтиши учун болага қуйидагича кўрсатма бериш мумкин: “Қарагин, машинанинг ғилдираги синиб қолибди, уни тузатишга ёрдам бергин”.

Болаларни эрта ёшдан ривожланишида сюжетли-ролли ўйинларнинг аҳамияти катта бўлиб, болалар ўйинларни яхши кўрадилар, айниқса ўйинлар уларнинг тасаввури асосига қурилган бўлса. Бундай ўйинларда катта гуруҳларнинг иштирок этиши педагогнинг олдига жамоавий ўйин малакаларини (келишиб олиш, роллар ва ўйинчоқларни тақсимлаш кўникмалари, ўртоғининг муваффақиятидан қувониши); одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, уларга ёқимли ва фойдали бирор нарса қилишни исташ ва бунга тайёргарликни тарбиялашга алоҳида эътибор беришни зарурат қилиб қўяди. Бунда педагог болаларни ўйин мавзусини (“Нимани ўйнаймиз?”), унинг режасини (“Қандай ўйнаймиз?”) белгилашга, образларни тақсимлашга (“Ким қандай ролни ўйнайди?”), биргаликда муайян ҳаракатлар қилишга, бир-бирига халақит бермасдан, ёрдамлашишга, вужудга келадиган зиддиятларни мустақил равишда ва адолатли ҳал этишга, образ ва ҳаракатни фақат хоҳиши билан эмас, жамоа учун зарурлиги туфайли ҳам бажаришга ўргатади.

Сюжетли-ролли ўйинлар болаларда муаммоларни ҳал қилиш ва қийин вазиятлардан чиқиш кўникмаси, ижодкорлик ва тасаввур қилиш каби кўникмалар ривожланади. Чунки болаларни эрта ёшдан ривожлантиришда ота-оналар ва тарбиячилар болаларга турли муаммоли вазиятларга онгли ёндашув ва кичик ёшдан тасаввур қилишга ўргатишлари ўта муҳим ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, хорижий мамлакатлардаги ривожлантирувчи ўйинлар қаторида миллий менталитетмизни ҳисобга олган ҳолда, ўйинларни боланинг қизиқишлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқиши баробарида уларда дунёқарашнинг ривожланиши, масъулиятлилиқ, ўз имкониятларини тўғри баҳолаш, бир мақсадга қаратилганлик, қийинчиликларни енгиб ўтишда сабот-матонат ва тиришқоқлик каби иродавий сифатлар намоён бўлади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-4312–сон қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги “Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5198-сон фармони
3. Масофавий таълимда мақтабгача ёшдаги болаларни ривожланиши учун ота-оналарга тавсиялар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси. Тошкент 2020 йил
4. Абдусаматова Н.Ж. Интгерацион ёндашув асосида мақтабгача ёшдаги болаларни махнавий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик имкониятларини ривожлантириш. Пед.фан.фалс. док. (PhD)...дисс. – Наманган, 2021. – Б. 170.
5. Бердиева М.М. Мақтабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини педагогик қўллаб-қувватлаш асосида интеллектуал имкониятларини ривожлантириш: Пед. фанл. бўйича фалс. док. (PhD) ...дисс. автореф. – Тошкент, 2020. –46 б.